

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019/Ped.72.04 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ГУЛРУҲ ҲАЛИМ ҚИЗИ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ЖАМОАВИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Сайдова Гулрух Ҳалим қизи**

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий  
фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш

..... 3

**Сайдова Гулрух Халимовна**

Совершенствование методики организации коллективной творческой  
деятельности будущих учителей начальных классов ..... 23

**Saidova Gulrukhan**

Improving the methodology of organization the collective creative activity  
of future primary school teachers ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019/Ped.72.04 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ГУЛРУХ ҲАЛИМ ҚИЗИ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ЖАМОАВИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида  
B2020.2.PhD/Ped1671 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталаida ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Курбаниязова Замира Калбаевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019/Ped.72.04 рақами Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_\_” соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-й. Тел.: (99865 221-29-14); факс: (99865 221-27-07); e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-й. Тел.: (99865 221-29-14)).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_\_\_” даги \_\_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**С.Қ.Қаххоров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Ф.Атоева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Х.О.Жўраев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлилигини ошириш, таълим субъектларининг индивидуал хусусиятлари даражасида дифференциал, интегратив ва компетенциявий ёндашувларни татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш касбий соҳага доир педагогик-психологик компетенцияларни муваффақиятли ўзлаштириши, ижтимоий талаб ва мажбуриятларга масъуллик ҳиссини қарор топтиришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим жараёнида жамоавий ижодий фаолиятнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижтимоий ва касбий фаолият кўникмалари, шахсий сифатлари ҳамда креатив қобилияtlарини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Дунё олий таълим тизимида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш, уларнинг қобилияти, ахлоқий ва эстетик тарбиялаш, ўқишга қизиқиши, ҳоҳиш ва истагини, ўзи ва ўз атрофини ўраб олган оламга ҳиссий муносабатни шакллантиришга қаратилган ўқув тузилмаларини ишлаб чиқиши, ўқувчининг интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи педагогик технологияларга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирги давр методикасида бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган концептуал илмий изланишлар предметини ўқитувчиларда ижодийликнинг ёрқинлашуви, ихтирочиликка қизиқиши, таълим мазмунини тезда идрок этиши ҳамда ижодий имкониятларни назарда тутган тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар халқаро стандартлар асосида юқори малакали бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш, илфор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни таълим жараёнига кенг жорий этиш, моддий-техник базасини сифат жиҳатидан янгилаш ва мустаҳкамлаш заруратини юзага келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган “Ўқитиши методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш”<sup>1</sup> вазифалари ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш, жамоавий ижодий ишларни ҳамкорликда ташкил этишининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

педагогик механизмини такомиллаштириш, билим олишга кучли мотивация уйготиш ҳамда замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг назарий ва амалий масалалари, педагогик шартшароитларини ишлаб чиқиши, касбий компетентлилигини ривожлантириш масалалари республикамиизда Б.Абдуллаева, Б.Адизов, Х.Абдукаримов, М.Абдуллајонов, Ш.Ахроров, У.Бегимқулов, Р.Джураев, Б.Джураева, Х.Ибрагимов, Ш.Мажитова, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Д.Насриддинова, М.Мирсолиева, Ш.Олимов, Б.Рахимов, Ў.Толипов, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Ф.Юзликаев О.Мусурмонова, О.Ҳасанбоева, У.И.Махкамов, Р.Г.Сафарова, А.Р.Ҳамроев каби олимлар томонидан ўрганилган.

Таълим олувчиларнинг тарихий, ижодий ва таниқидий тафаккури, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг креатив компетентлилигини шакллантириш масалалари психолог ва педагог олимлардан М.Давлетшин, З.Нишонова, Ш.Шарипов, Б.Ходжаев, Г.Ибрагимова, А.Арифжанова, Д.Якубжановаларнинг илмий изланишларида алоҳида тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Н.Абиденова, А.Ажибаева, Е.Борисова, Н.Деменева, И.Макаровская, А.Мороз, С.Петропавловская, Е.Рогов, А.Рызбаева, В.Сластёнина, В.Тарантей, Н.Шепилова, М.Яницкийларнинг тадқиқот ишларида ўқитувчиларнинг ижодий фаолияти, касбий ижтимоийлашуви, ижтимоий-психологик ва дидактик мослашувининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Хорижлик J.Arcaro, S.Brown, H.Brown, D.Ciuffetelli, D.Boud, S.Kagan каби олимларнинг илмий изланишларида кооператив ва интерфаол таълим шароитида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятга тайёрлаш технологияси ўз аксини топган.

Юқоридаги таҳлиллар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1-118, ОТ-Ф1-125 рақамли “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш мезонлари ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятга тайёргарлигини оширишга қаратилган механизмини аниқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари жамоавий ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг интегратив моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетларининг 360 нафар талабалари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид психологик-педагогик, ўқув-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, социометрик методлар (анкета, савол-жавоб, интервью, сұхбат),

педагогик эксперимент ҳамда натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари: рафбатлантирувчи, когнитив, жараёнли, репродуктив, интегратив ёндашув асосида муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билув фаолиятидаги қатъийлик сифатларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчиларнинг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишнинг диагностик жараёнлари ижтимоий интеллектнинг тушуниш, идрок этиш, оқилона фикрлаш, тафаккурнинг тийранлиги ва шахсий мотивация, ҳиссий барқарорлик, эмпатия, интеллектуал қобилиятдаги динамик мувозанат ва рефлексив-коррекцион функцияларининг ўзаро алоқадорлигини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш жараёнининг амалий ва натижавий таркиби мотивацион-эмоционал, когнитив, иродавий, фаолиятли-ижодий, креатив ёндашув, репродуктив, изланишли-эвристик, ижодий-ташаббускорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари коллаборатив ёндашув асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг қасбий компетенциясини шакллантириш ва уларнинг қасбга бўлган қизиқишиларини янада оширишга қаратилган ҳамкорликдаги жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш технологияси жамоавий мустақил фаолиятни белгилаш, ижодий топшириқларни бажариш, кооператив таълимнинг интерфаол шакллари (ғоялар тўплами, экспресс ахборот, ижодий лидер, ролли ўйинлар) мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараённинг модели такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилган ҳамда педагогик фаолиятни ташкил қилиш самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг самарадорлик даражасини таъминловчи шакл, метод ва воситалар таклиф этилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг ўқув-методик таъминоти яратилган ҳамда фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, педагогик-психологик ёндашувлар ва жамоавий ижодий фаолиятни ривожлантиришга доир усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган

таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган педагогик тизим ва назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; ижодий фаолият даражасини белгиловчи мезонлар ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ижодий фаолиятини ташкил этиш технологиясининг самарали механизмлари такомиллаштирилганлиги, интеграллашган дарс ишланмалари ва ўқув лойиҳалари, жараён модели, унинг педагогик-психологик асослари ва амалиётда қўллашнинг кулай шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари: рағбатлантирувчи, когнитив, жараёнли, репродуктив, интегратив ёндашув асосида таснифлаш ва тажриба алоқадорлиги эмпирик баҳолашга доир таклифлардан Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида фойдаланилган. (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2779-сон маълумотномаси) Натижада талабаларнинг ижодий фаоллигини ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш методикасини такомиллаштиришга доир оптимал шарт-шароитлар яратилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш функциялари: “ахборот-таҳлил”, “назорат-ташхис”, “мақсадли-мотивлаштириш”да субъект-субъект муносабатлари касбий компетенцияларни ривожлантиришга оид таклифлардан Ф1-118, ОТ-Ф1-125 рақами “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамоилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани ишлаб чиқишида фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги инновацияларни жорий қилиш

ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 17 августдаги 01-01/78-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлилигини шакллантиришга доир ёндашувларни қўллаш самарадорлиги ортишига эришилган;

бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш жараёни амалий ва натижавий таркиби лидерлик-коммуникабеллик, вербал-новербал, презентативлик-эксклюзивлик каби кўп

векторли ёндашув босқичлари эмоционаллик, прогрессивлик, оптималлик, эффективлик сингари коллаборатив ёндашувга доир таклифларидан Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетларида ўкув-тарбия жараёнини ташкил этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2779-сон маълумотномаси) Натижада талабаларда жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминоти инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 21 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмидаги** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганини, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида педагогик қарашлар ривожида маънавий-ахлоқий тарбия ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, бўлажак ўқитувчиларнинг жамоавий ижодий фаолиятини ривожлантиришга хос педагогик тизим ҳамда касбий интеллектуалликни шакллантиришда ижодий-коммуникатив қобилиятларнинг роли ва аҳамияти ёритилган.

Ҳар бир талабанинг бўлажак касбий фаолиятида ижодий қобилиятларини намоён қилиши ўзини шахс сифатида камол топтириш ва мақсадини рўёбга чиқариш учун муҳим мезон саналади. Қайд этиш жоизки, тайёр кўринишда тақдим этилган ва олинган билим ҳамда кўникмалар ўқитишининг мақсади ҳисобланмайди, балки креативликни юзага чиқариш,

ижодий фаолиятни амалга ошириш учун воситага айлана боради. Шу боис бўлажак педагогларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш муаммоси алоҳида эътиборни талаб қиласди. Негаки, айнан ўқитувчилардан таълим жараёнида ижодий фаолиятини онгли бошқариш, ёш авлодда креативликни камол топтира билиш талаб қилинади.

Тадқиқот мантиғи бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ривожлантириш муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқот ишларини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишни тақозо этди. Тарихий-педагогик таҳлил асосида бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятлар креативлик назариясини ишлаб чиқиш, тарбия ва таълим назариясининг шаклланиши ҳамда шахсни коммуникатив ривожлантириш ғоялари асосида таркиб топтирилиши ажратиб кўрсатилган. Ижодий фаолият хусусиятлари назарий таҳлилида креативликни ривожлантириш ва камол топтириш таълим олувчиларда ижодий фаолият усулларини шакллантириш методларини жорий этиш жараёнида босқичмабосқич ўз аксини топди.

Мазкур бобда дастлаб ижодкорлик, ижодий фаолият, ахлоқ, хулқ, одоб, ахлоқий тарбия ва маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаларининг мазмунмоҳияти ёритилиб, сўнгра бу борада олиб борилган ишлар таҳлили келтирилган. Маънавий-ахлоқий тарбия ва жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш, аввало, шахс маънавиятини ривожлантириш билан ўзаро алоқадорликда юксак маънавий фазилатлар, маънавий етуклик ва маънавий қиёфани таркиб топтиришни талаб этади.

Ижодкорлик – ноёб қобилият. Манбаларда мазкур тушунчанинг у ёки бу талқинлари мавжуд бўлиб, ижодий жараённинг моҳияти, тузилиши, инсон ижодий қобилиятларининг шаклланиши борасида ҳар хил фикрлар учрайди. Эътиборни “ижодкорлик” тушунчасининг қўлланилиш доирасига қаратилса, унинг серқирралилиги аён бўлади. Бу категория “фаоллик”, “фаолият”, “жараён”, “фаолият тури”, “фаолият қўриниши” сифатида талқин қилинади. Кузатишларда унинг “ижодиёт аввали”, “ижодий имконият”, “ижодий қобилият”, “ижодий имконият”, “ижодий тафаккур”, “ижодий фаоллик” каби турли жиҳатлари классик фалсафа умумий режасига мос келмаслиги маълум бўлди.

Инсоният ижодиётнинг субъекти сифатида ўзини англаши ижодкорлик муаммоси ва тушунчаларини қўриб чиқишининг янги йўналишларини белгилади. Файласуфлар инсон ижодий фаолиятининг моҳиятини, гносеологик ва умумметодологик хусусиятлари муаммоларини ўрганадилар. Шунга кўра, XX аср маҳаллий фалсафасида “ижодкор одам” муаммосини ҳал қилишга уриниш мақсади етакчилик қилган.

А.Кан-Каликнинг фикрича, педагогик фаолият бу доимий ижодий, қасбий-шахсий тарбиядир. В.И.Загвазинский ижодий фаолият тушунчасига “янги педагогика тизимини яратиш, номаълум қонуниятларни очиш; янги ғоялар, усул, воситалар; янгилик яратиш, инсоннинг ички моҳияти асосидаги кучларини уйғотиш орқали ижод қилиш” сифатида қаратади. Олим педагог ижодиётнинг қуйидаги фарқли жиҳатларига эътиборини қаратади:

1. Вақт жиҳатидан қатъий белгиланган ва чегараланган. Агар дарсда кутилмаган ҳолат рўй берса, ўқитувчи қисқа муддат ичидаги янги қарор қабул қилиши шарт.

2. Педагогик ижодиёт ўқув-тарбиявий жараён билан яхлит туташ бўлганлиги сабабли у ҳар доим ижобий натижаларга олиб келиши лозим. Салбийлари эса факат хаёлий синов ва тахминлардагина бўлиши мумкин.

3. Педагогик ижодкорлик доимо ҳамкорликдаги ижодий ишдир.

4. Ижодиётнинг сезиларли қисми одамлар олдида оммавий тарзда (ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олиш кўникмаси) амалга оширилади.

Тадқиқот муаммосига оид илмий адабиётлар ва ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қўйидаги муаммо ва камчиликлар аниқланди:

– бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишга доир методик таъминотнинг етарли эмаслиги;

– таълим жараёнида талабаларни ижодий фаолиятга йўналтириш билан бир қаторда коммуникатив компетентлилигини ривожлантериш ҳамда соҳага оид янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган семинар-тренинг ва мастер классларни ўтказишга аҳамият берилмаётганлиги;

– ижодкорликка оид топшириқ ва машқларни бажаришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилмаётганлиги ва ҳ.к.

Педагог шахсининг ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликлар қўйидагилардан иборат:

а) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва мавжуд имкониятларнинг талаб даражасида эмаслиги;

б) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши;

в) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўркув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқ.).

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қўйидаги стратегияларга асосланишини талаб этади:

– касбий ривожланиш (конструктив стратегия);


– психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси);

– касбий деформация (деструктив стратегия).

Маҳоратли педагоглар иш фаолиятида дуч келадиган қийинчиликлар инновацион тўсиқларни енгиб ўтиш билан чамбарчас боғлиқ. Иш жараёнида дуч келинадиган тўсиқлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш шаклида намоён бўлади. Шу боис тадқиқот давомида ўқитувчилар фаолиятида учрайдиган ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилишга доир ёндашувларни жорий этиш масаласига алоҳида ургу қаратилди. Хусусан, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар, спорт ўйинлари, телевизион интеллектуал шоулар, инновацион ғоялар, “Зулфия издошлари”, “Ёш китобхон” каби кўрик-танловлар орқали ёшларда ахлоқий-эстетик ва

интеллектуал салоҳиятни камол топтиришга эътибор қаратилганлиги боб мазмунида ўз ифодасини топган. “Ёш китобхон” танловининг ўтказилиши ёшлар маънавиятини юксалтиришга, билимини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга асосий омили бўлиб хизмат қилиши, китобхон-ёшларга мамлакат Президенти томонидан яратилаётган имкониятлар таълим-тарбия тизимига юксак эътибор намунаси эканлигига муносабат билидирилган.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга боғлиқ ёндашувлар, хусусан, уларнинг келажакка интилувчанлик сифатларини ривожлантириш, бунинг учун ўзини-ўзи англаш ва тарбиялашга, шахсиятига, атрофидаги кишиларга соғлом муносабатда бўлишга оид иш усулларини қўллашни талаб этади. 2020–2021 ўқув йилидан умумтаълим мактаблари ўқув режасига киритилган тарбия фани бевосита педагогика олий таълим муассасалари “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” бакалавриат таълим йўналишида “Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитиш орқали талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини муайян педагогик шарт-шароитларда амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга эҳтиёж тутғидиради. Тадқиқот давомида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятга тайёрлашни ташкил этишининг педагогик шарт-шароитлари аниқланди (1-расм).



**1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ривожлантиришни ташкил этиш жараёнини кузатиш натижасида юқорида қайд этилган педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришда муҳим

ахамиятга эга, деган хулосани берди. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида замонавий педагогик ёндашувларнинг қуидаги афзалликлари мавжуд:

- жамият аъзоларининг интеллектуал ва касбий салоҳиятини рӯёбга чиқариш;
- мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялаш;
- инсонни комиллик сари етаклаб, ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштириш;
- фуқаролик жамияти шаклланиши ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуришни таъминлаш;
- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир этиб, мавжуд муҳитни бутунлай яхши томонга ўзгариш ва ҳ.к.

Талабаларнинг касбий компетентлилиги ва ижодкорлигини шакллантириш жараёни педагогика курси, ўкув предметларини ўқитиш методикаси ва педагогик амалиётни ўз ичига олган бир неча босқичда амалга оширилиши зарур (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

#### **Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш мазмуни**

<b>Босқичлар</b>	<b>МАҚСАД</b>
<b>I. Тайёрлов босқичи 1-2 курс</b>	Дастлабки психологик-педагогик тайёрлаш. Бунда талабаларнинг муайян фаолият турига тайёргарлиги шаклланишига шароит яратилади. Мазкур босқичда педагогика ва психология фанлари интеграцияси маҳсус билимлар асосида амалга оширилади. Тайёрлов босқичи барча фанлар бўйича бўлажак ўқитувчилар учун тузилиши ва мазмуни жиҳатидан ҳам бир хил бўлиши мумкин.
<b>II. Методик босқич 3-курс</b>	Бўлажак ўқитувчини таълим-тарбия ишига методик тайёрлашнинг минимал репродуктивлик даражасини таъминлаш. Методик босқич 3-курсда маҳсус дастур бўйича мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси мазмуни ва ўкув-тарбиявий амалиётни ташкил этиш асосида амалга оширилади.
<b>III. Ижодий-тадқиқий босқич 4-курс</b>	Талабаларни муайян фаолиятга тайёрлаш якунланади. Бу босқичда бўлажак ўқитувчилар мустақил изланиш кўнижмасини эгаллайди, ишнинг самарали усулларини аниқлайди, келгусидаги касбий такомиллашувини таъминлайдиган методикаларни ишлаб чиқади. Якуний босқичда талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги шаклланганлик даражаси ташхис қилинади.

Муаммога оид тадқиқотлар таҳлили ҳамда талабаларни касбий тайёрлаш босқичлари ва даражаларидан келиб чиқиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишни инновацион таълим мазмуни орқали шакллантириш даражалари ва мезонлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишда компетентлилик мезонлари**


<b>Компетентлилик мезонлари</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
Мотивацион (ижобий майлларнинг шаклланиши)	<ul style="list-style-type: none"> <li>– талабанинг педагогик фаолиятга тайёрлик компоненти сифатида касбий компетентлилигини ривожлантириш заруриятини англаши;</li> <li>– ўқув жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни намоён қилишга тайёрлиги;</li> <li>– касбий соҳасидаги компетенцияларни мустақил ривожлантиришга эҳтиёжи.</li> </ul>
Когнитив (назарий билимларнинг мустаҳкамланиши)	<ul style="list-style-type: none"> <li>– билим эгаллаш ва улардан фойдаланиб ақлий операцияларни бажара олиши;</li> <li>– педагогик фаолиятда касбий компетенцияларнинг аҳамиятини англаш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар учун назарий билимларни ўзлаштириши;</li> <li>– амалий фаолиятда мутахассислик фанига оид билимлардан фойдалана олиши.</li> </ul>
Операцион (ўқув-тарбия ишларини самарали ташкил эта олиш кўникмаси)	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ижодий фаолиятни ташкил этишда дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотларини ташкил эта олиш кўникмасига эгалиги;</li> <li>– ўз касбий фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёни ва ташкилий-бошқарув фаолияти шакллари бўйича малакаларга эгалиги;</li> <li>– талабалар, ўқитувчилар ва раҳбарият билан ижобий муносабатларни ўрната билиши;</li> <li>– ўз фаолиятида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши;</li> <li>– таълимнинг барча шаклларида касбий компетенцияларини қўллай олиши.</li> </ul>
Рефлексив (ўз-ўзини таҳлил қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш)	<ul style="list-style-type: none"> <li>– фикрлаш, баҳолаш ва ўқув жараёни натижалари ва ютуқларини башорат қилиш қобилияти;</li> <li>– шахсий ва касбий фаолиятга оид ҳаракатлар бўйича ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш кўникмасига эгалиги.</li> </ul>

Ўқитувчининг ижодий фаолияти танлаган касбига доимий ва барқарор қизиқиши, ижодий имкониятларини амалга ошириш талаб-эҳтиёжи ва кўникмаси, ўзгариб борувчи шароитга мослашиши, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши билан белгиланиши шарт.

Тадқиқотнинг “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш методикаси” деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқитувчилари жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишда касбий компетентлиликни шакллантиришга йўналтирилган инновацион тайёрлаш жараёнининг мазмуни ҳақида сўз юритилган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишда касбий педагогик компетентлиликнинг дастлабки элементлари педагогик фанлар орқали таркиб топтирилиши, талабаларнинг педагогик фаолиятга йўналганлиги касбий-педагогик компетентлиликни ривожлантиришдаги муҳим омиллардан эканлиги баён этилган. Шу асосда талабаларнинг педагогик фанларга ўқув мотивацияси шаклланганлиги, касбий-педагогик фаолиятга йўналганлиги, инновацион назорат шакллари воситасида касбий-педагогик компетентлилик даражалари интеграл таҳлил ёндашуви асосида ташхис қилинганлиги ёритилган.

Мазкур бобда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш жараёнини ташхис қилиш, инновацион тайёрлашнинг дидактик хусусиятлари ҳамда касбий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган илгор технологияларни умумлаштирган ҳолда компетент ёндашувнинг педагогик тизими хусусида сўз борган бўлиб, талабалар ўртасида амалга оширилган тадбирлар мазмунига кенг ўрин берилган. Жумладан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион тайёрлаш комплекс дастури доирасида ўтказилган “Ўргатиб ўрганамиз”, “Педагогик фаолиятга кириш” факультатив семинарлари, “Таълим беришда менинг ташаббусим” мавзусидаги лойиҳалар, “Insight” клуби ва “Педагогик маҳорат мактаби” тўгараклари фаолияти талабаларнинг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши асосланган.

Талабаларнинг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш ва уларни баркамол қилиб тарбиялаш методикасини такомиллаштиришда комплекс педагогик жараённи амалга ошириш учун интегратив модел асосида иш олиб боришнинг аҳамияти қўрсатилган (2-расм). Мазкур модел асосида талабаларнинг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш ва тарбиялаш методикасини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган. Унинг компонентларидан стратегик мақсаднинг тўғри қўйилиши иш самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.



**2-расм. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш модели**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий малакасини оширишда ўқувчиларнинг лаёқати, хоҳиш-истаги ва қизиқишлигини аниқлаш; таълим-тарбия жараёнини ҳаёт ва ижодий фаолият билан уйғунликда ташкил этиш; ўқувчилар билан индивидуал ва жамоавий иш олиб бориш; амалий машғулотларга тайёргарлик; таълим-тарбия жараёнида ота-оналар, жамоатчилик фикридан унумли фойдаланиш; жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишни шакллантириш жараёнини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш максадга мувофик.

Бу масалалар айнан олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш тайёргарлигини қуидагича шакллантириш имконини беради:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш моделининг асосий жиҳатларини дастлаб фаразлар тарзида, сўнгра тадқиқот даражасида ажратиб кўрсатиш;

- моделни лойиҳалашда унинг кўрсаткичларини танлаш, конструкциялаш ва стандартлаштириш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш моделини яратишнинг методик асосларини ишлаб чиқиши.

Талабалар ижодий фаолиятини ташкил этиш учун муҳим бўлган чора-тадбирлар ва механизmlарни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилиши лозим. Шунингдек, бу жараённи ташкил этишда мавжуд ҳолатни ўрганиш, бу йўлдаги амалий ҳаракатни тизимли олиб бориш учун зарур чора-тадбирларни белгилашга ёрдам беради.

Ишнинг учинчи боби “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги**” деб номланиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишда касбий компетентлилик даражаларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш методикаси, бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион тайёрлашда компетент ёндашув бўйича тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишнинг мезонлари асосида шахсий ва касбий ижтимоий фаоллик ривожланганлик кўрсаткичлари даражасини аниқлаш учун дастлаб қуидаги илмий-тадқиқот методлари белгилаб олинди:

- ташхис (кузатув, анкета, интервью, сұхбат, тест, синов вазиятлари);

- кузатиш ва ўз-ўзини кузатиб бориш; назорат қилиш;

- амалий фаолиятнинг (мазкур ҳолда ўқув ва касбий) мазмунни ва сифати тўғрисида шу фаолиятнинг таҳлил натижалари – рефератлар, аннотациялар, маъruzалар, тақризлар тайёрлаш, дарсларнинг кенгайтирилган тақвим-режаларини тузиш, ўқув-ишбоп ўйинлар ва касбий тренингларда қатнашиш;

- назорат-таҳлилий ва баҳолаш (тарбия жараёнининг боришини текшириш, тарбия сифати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш,

тизимлаштириш, гурухлаштириш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, эксперт баҳоси, гурух ва индивидуал ўз-ўзини баҳолаш);

– тест (талабаларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ривожланиш салоҳиятини аниқлашга ёрдам берувчи психологик-педагогик ташхис методи);

– математик-статистика методи – олинган натижаларни миқдор ва сифат жиҳатдан қайта ишлаш асосида уларнинг аҳамиятлилик даражасини аниқлаш.

Таҳлил натижаларига мувоғиқ якуний хулосалар чиқарилди, тегишли тавсиялар берилди. Бу эса ижодкорлик босқичини ташкил этди.

Тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетларининг жами 360 нафар талабалари жалб қилинди.

Тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашта хизмат қилди. Тажриба-синов ишлари дастурида талабаларининг жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этиш мезонлари, кўрсаткичлари ва усуллари аниқлаштирилиб умумлаштирилди.

Статистик таҳлил учун тажриба сўнгидаги натижаларга эришилди (3-жадвал):

### 3-жадвал

#### **Олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (тажриба сўнгидаги)**

Гурухлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		юқори	ўрта	паст
Тажриба гуруҳи	182	58	91	33
Назорат гуруҳи	178	43	80	55

Тажриба сўнгидаги тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичларини  $x_i$ лар мос талабалар сонларини  $n_i$ лар билан, шунингдек, худди шу катталикларни назорат гуруҳи учун мос равишда  $y_i$ ,  $m_i$ лар билан белгилаб олинди. Натижада қиёсий таҳлил учун қуйидаги иккита статистик қаторга эга бўлинди:

$$\begin{cases} x_i : 1 \ 2 \ 3 \\ n_i : 33 \ 91 \ 58 \end{cases} \begin{cases} y_i : 1 \ 2 \ 3 \\ m_i : 55 \ 80 \ 43 \end{cases}$$

Бу ерда юқори ўзлаштириш даражаси “3”, ўрта ўзлаштириш даражаси “2” ҳамда паст ўзлаштириш даражаси “1” рақамлари билан белгиланган. Статистик таҳлилни ҳар икки статистик қатор бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 x_i n_i = \frac{1}{182} (1 \cdot 33 + 2 \cdot 91 + 3 \cdot 58) = 2,14;$$

$$\bar{y} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^3 y_i m_i = \frac{1}{178} (1 \cdot 55 + 2 \cdot 80 + 3 \cdot 43) = 1,93.$$

Кўринадики, тажриба гурухининг ўртача ўзлаштириши назорат гурухи ўртача ўзлаштиришидан юқори эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.


Педагогик тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлиги Стъодент критерийси орқали амалга оширилди:

$$t_{n,m} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,14 - 1,93}{\sqrt{\frac{0,47}{182} + \frac{0,56}{178}}} \approx 2,77.$$

Энди озодлик даражаси 354 ва ишонч эҳтимоллигига мос келган критик нуқтани топамиз:  $t_{kp} = 1,65$ .

Статистиканинг тажрибада хисобланган қиймати критик нуқтадан каттадир:  $t_{n,m} = 2,77 > 1,65 = t_{kp}$ .

Демак, биз  $H_0$  гипотезани рад этишимизга тўғри келади, яъни  $a_x > a_y$  экан. Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз (3-расм):



**3-расм. Олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш даражасини аниқлаш диаграммаси**

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталиги маълум бўлади. Бундан тажриба гурухидаги ўзлаштириш назорат гурухидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги кўринади. Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш даражаларини аниқлаш бўйича ўtkazilgan тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

## **ХУЛОСА**

Тадқиқот давомида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари ҳамда уларни қиёсий ўрганишга таяниб, қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид педагогик қарашлари, таълимга оид ҳукуқий-меърий хужжатлар, замонавий педагогика ва психологиядаги илмий-назарий ғоялар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда муҳим методологик асос вазифасини бажаради.

2. Талабаларнинг ижодий фаоллигини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантиришда ташаббускорлик, шижаат, интилувчанлик сифатлари ҳамда глобал даражада тафаккур юритишга йўналтирувчи оптимал технологиялар уйғунлиги долзарб аҳамият касб этади.

3. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини жамоавий ижодий фаолиятга тайёрлашда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган баҳс-муноза, тренинг, кейс стади, муаммоли таълим технологиялари ҳамда ўқув-билув топшириқлари, эстафетали тарқатма материаллар ва медиа визуал қўргазмали қуролларни қўллаш муҳим ўрин тутади.

4. Талабаларда жамоавий ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ижодий фаолликнинг таркибий асосларини шахсий ижтимоий тажриба ва позиция билан алоқадорлигини эмпирик баҳолаш асосида такомиллаштирилди.

5. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятини ташкил этиш ижодий фаолликни белгилаб берувчи ижтимоий-сиёсий, ахлоқий билимлар, шахсий тажриба, мустақиллик, масъулиятилилк, ижодкорлик, ташаббускорлик, новаторлик мезонларини амалий-касбий фаолият тузилмаси билан интеграциялаш асосида аниқлаштирилди.

6. Жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш моделининг амалий компоненти тарбиявий муҳитнинг таъсирчанлигини ошириш, фаол фуқаролик компетенциясини босқичма-босқич ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмини самарали қўллаш асосида такомиллаштирилди.

7. Талабаларда жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш технологияси “Келажак мактаби ўқитувчиси” ижтимоий лойиҳасини таълим жараёнида қўллашнинг муаммоли таълим, ишбилармонлик ўйинлари, эвристик усуулларини ишлаб чиқиши асосида такомиллаштирилди.

8. Олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятини ташкил этишда билим даражасини оширишга интилиш; масъулиятилилк; маънавий соғломлик, бадиий адабиётларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиши каби тамойилларга асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

9. Тадқиқот доирасида олий таълим муассасалари талабаларида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишда мутахассислар тайёрлаш тизими; касб тайёргарлиги жараёнида мустақил шахснинг шаклланиши; олий

таълим муассасалари ўқитувчилари тажрибаларига асосланиш, ўқув-тарбия жараёнининг касбий йўналиши тавсифланган босқичларни ўз ичига қамраб олган жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишнинг замонавий, тизимли ёндашуви асосида ижтимоий-педагогик мослашув модели ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019/Ped.72.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**САИДОВА ГУЛРУХ ХАЛИМОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОРГАНИЗАЦИИ  
КОЛЛЕКТИВНОЙ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**13.00.02 – теория и методика обучения и воспитания (Начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

**Бухара – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером В2020.2.PhD/Ped1671 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Шодиев Ризамат Давронович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Курбаниязова Замира Калбаевна**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Термезский государственный университет**

Защита диссертации состоится “\_\_” 2021 года в “\_\_” часов на собрании Научного совета PhD.03/30.12.2019/Ped.72.04 по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете, (Адрес: 140104, город Бухара, улица М.Иқбол, 11. Тел.: (99865 221-29-14); факс: (99865 221-27-07); e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером \_\_). (Адрес: 140104, город Бухара, улица М.Иқбол, 11. Тел.: (99865 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан “\_\_” 2021 года  
(Протокол реестра №\_\_ от “\_\_” 2021 года).

**С.К.Каххоров**

Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.п.н., профессор

**М.Ф.Атоева**

Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, к.п.н., доцент

**Х.О.Жураев**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность диссертационной темы.**

В мировом масштабе особое внимание уделяется вопросу повышения профессиональной компетентности будущих специалистов, внедрению дифференцированного, интегративного и компетентностного подходов на уровне индивидуальных субъектов обучения. Внедрение эффективных механизмов подготовки будущих учителей начальных классов к организации коллективной творческой деятельности играет важную роль в успешном приобретении педагогических и психологических компетенций в профессиональной сфере, чувства ответственности за социальные потребности и обязанности. Это, в свою очередь, важно для развития социальных и профессиональных навыков, личностных качеств и креативных способностей у будущих учителей начальных классов за счет расширения дидактического потенциала коллективной творческой деятельности в высшей школе.

В мировой системе высшего образования развитие конструктивных, pragматических и коммуникативных способностей студентов, развитие творческой активности, совершенствование методов воспитания социальной активности и инициативы рассматриваются как ведущий фактор повышения эффективности образования. В частности, развитие логического и самостоятельного мышления, раннее проявление способностей, совершенствование методов повышения эффективности духовно-нравственного и эстетического воспитания, повсеместное внедрение дополнительных образовательных стратегий, модульного обучения, кредитной системы, подготовка к организации оптимальных и интенсивных форм командной творческой работе, а также концептуальных технологий, направленных на изобретательство, имеет важное значение.

В мировой системе высшего образования ведутся научные исследования по совершенствованию методики организации коллективной творческой деятельности будущих учителей начальных классов, разработки учебных структур, направленных на формирование их способностей, нравственного и эстетического воспитания, заинтересованности в учебе, желания и потребностей, формирование эмоционального отношения к себе и миру, педагогических технологий для выявления интеллектуальных способностей учащихся. В частности, в современной методике предметом концептуального исследования, направленного на организацию коллективной творческой деятельности учителей начальных классов, является изучение творческих способностей, интереса к изобретательности, быстрого восприятия содержания обучения и творческого потенциала.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития высшего образования в Республике Узбекистан до 2030

года» и Решений № РП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», УП-5538 от 5 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», решения Кабинета министров Республики Узбекистан №1059 от 31 декабря 2019 года «Об утверждении концепции непрерывного духовного образования и мерах по ее реализации» и в других нормативно-правовых документов, относящихся к этой деятельности..

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена на основе приоритета развития науки и техники в республике I. «Формирование системы инновационных идей и путей его реализации для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Теоретические и практические вопросы профессиональной подготовки будущих учителей, развития педагогических условий, развития профессиональных компетенций в республике изучались такими учеными как Б.Абдуллаева, Б.Адизов, Х.Абдукаримов, М.Абдулладжонов, Ш.Ахроров, У.Бегимкулов, Р.Джураев, Б. Джураева, Х. Ибрагимов, Ш. Мажитова, Ш. Мардонов, Н. Муслимов, Д. Насриддина, М. Мирсольева, Ш. Олимов, Б. Раксимов, О. Толипов, М. Уразова, Н. Эгамбердиева, Ф.Юзликаев, О. Мусурмонова, О. Гасанбаева, Ю. И. Махкамов, Р. Г. Сафарова, А. Р. Хамроев.

В научных исследованиях ученых психологов и педагогов М.Давлетшина, З.Нишоновой, Ш.Шарипова, Б.Ходжаева, Г.Ибрагимовой, А.Арифджановой, Д.Якубджановой в отдельном ракурсе изучались вопросы исторического, творческого и критического мышления студентов, развития творческих способностей, формирования творческой компетентности будущих учителей.

